

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМӢЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМӢЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

АКРАМОВА ШАХНОЗА АБРОРОВА

**БЎЛАЖАК БОЖХОНА ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИДА МАФКУРАВИЙ
ИММУНИТЕТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Акратова Шахноза Абратовна

Бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни
ривожлантириш.....3

Акратова Шахноза Абратовна

Развитие идеологического иммунитета у будущих сотрудников таможенной
службы.....31

Akratova Shakhnoza Abratovna

The development of ideological immunity in the future customs officers..60

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....65

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

АКРАМОВА ШАХНОЗА АБРОРОВНА

**БЎЛАЖАК БОЖХОНА ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИДА МАФКУРАВИЙ
ИММУНИТЕТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида В2017.2.DSc/Ped25 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Миллий ғоя ва мафкура илмий амалий-марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tdpu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Адизов Бахтиёр Раҳмонович
педагогика фанлари доктори, профессор

Қуронбоев Қаҳрамон Қўчқарович
сиёсий фанлар доктори

Исламов Илём Нормаматович
тарих фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: tgpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.С.Шарипов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Р.Г.Исянов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

Д.Д.Шарипова

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., проф.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодий тизимида интеграция, глобаллашув жараёнлари чуқурлашаётган ва сифат жиҳатдан ривожланаётган шароитда миллий манфаатларни ҳимоялаш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлашда божхона хизмати муҳим ўрин тутди. Айниқса, халқаро терроризм, диний экстремизм, сепаратизм, наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши курашишда Жаҳон божхона ташкилоти 179 га яқин давлатлар аъзолигида, Евробожхона, Европа ҳамжамиятлари комиссияси, БМТнинг соҳавий ихтисослашган марказлари ва дастурлари, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳамкорлигидаги божхона хизмати ҳар бир давлатда чегараларни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва минтақалардаги вазиятнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида божхона хизматига алоҳида кўмита мақоми берилиши муносабати билан унинг таркибий тузилиши ва фаолиятининг мазмуни тубдан ўзгартирилди. Давлат божхона кўмитаси стратегик йўналишларини белгилаб олишда божхона хизматини юксак маънавиятли кадрлар билан таъминланишига алоҳида урғу берилди. Божхона хизмати ходими касбий фаолиятининг мураккаб характери унинг иқтисодий салоҳияти, божхона қонунчилигини чуқур билиши, божхона тадбирларини амалга ошириш кўникмаси ва малакасига эгаллиги, божхона қоидаларини бузувчи шахслар хатти-ҳаракатларини олдиндан сезишга қодирлиги, касбий масъулияти билан изоҳланди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида “жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал етук, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида ижтимоий фаоллигини ошириш”¹ вазифалари бўлажак божхона хизмати ходимлари мафкуравий иммунитетини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Жаҳонда мамлакат манфаатларига раҳна солаётган ҳар қандай иқтисодий ва мафкуравий таҳдидлар таъсирига қарши тура олиш вазифаси айнан чегара сарҳадларида хизмат қилаётган божхона хизмати ходимларига катта масъулиятни юклайди. Бугунги кунда хизмат жараёнида ўз бурчларини виждонан, профессионал даражада бажариш, Ватанига ва халқига садоқат, хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатдан ўзини тийиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, коррупция ҳолатларига қарши курашиш ва уларнинг профилактикасида фаол қатнашишларида акс этиши учун бўлажак божхона

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида шарҳ. // Халқ сўзи. - Тошкент, 2017. - № 28(6722) - Б.2.

хизмати ходимлари касбий тайёргарлигида мафкуравий иммунитетни ривожлантириш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги 472-И-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг интизомий уставини тасдиқлаш тўғрисида”ги 135-сон қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни ривожлантириш масалалари билан боғлиқ тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Жаҳон божхона ташкилоти (ЖБТ) (World Customs Organization / WCO), Халқаро божхона университетлари тизими (International Network of Customs Universities / INCU), Океания божхона ташкилотлари (Oceania customs organization, OCO), Рига техника университети (Латвия), University of Münster (Германия), Center Customs and Excise Training, University of Canberra (Австралия), Zayed University (Бирлашган Араб Амирликлари), Leeds Metropolitan University (Буюк Британия), Россия божхона академияси (Россия), Озарбайжон давлат божхона Академияси (Озарбайжан), Олий харбий божхона институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

² Мазкур қисмни ёзишда куйидаги манбаларга асосланилди: Vendi Fals, Djeordjinella Barboza, Gabriella Barrietos. - Customs Scientific Journal. Regional Office for Capacity Building & Regional Training Centers for the European Region - Vol. 4, No. 2 2014. P. 19-27 / Organisational Structure Oceania Customs Organisation (OCO) Secretariat <http://www.ocosec.org> Access date: 27.11.2016 / Коровяковский, Д.Г. Подготовка служащих по специальности «Таможенное дело» на постсоветском пространстве: Российская Федерация, Республика Казахстан, Республика Беларусь, Республика Азербайджан, Литва/ Д.Г. Коровяковский//Вопросы современной юриспруденции.- 2014.- № 41.- С.81-84. / What the PICARD programme is about? // <https://picardconference.com/ru/stat/29/picard.htm> Access date: 27.11.2016 / About INCU. <http://incu.org/about-us.html> Access date: 27.11.2016 / About ICSA . <https://i-customs.org/en/page/28/About%20ICSA.htm> Access date: 27.11.2016 / Королев С.В., Коровяковский Д.Г. Образовательные модели подготовки медиаторов в сфере внешнеэкономической деятельности в России и зарубежных странах // Таможенное дело. 2012. N 3. С. 30-33. / Руководство по модернизации таможенной службы / Под ред. Люка де Вульфа, Хосе Б.Сокола; пер. с англ. – Издательство «Весь Мир», 2007 — 328 с. / Шарипова Д. Значение международных профессиональных стандартов “PICARD” в системе подготовки таможенных кадров. – «Иқтисодий ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. Тошкент: №4. 2016.

Сўнги йилларда тадқиқот иши мавзусига оид изланишлар натижасида қатор илмий натижалар олинган. Жумладан: “Божхона академик тадқиқотлар ва ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик” таълимий дастури (PICARD) доирасида божхона хизматига юксак профессионал ходимларни тайёрлаш бўйича ўқув-тарбиявий дастурлар мезонини белгиловчи касбий стандартлар ишлаб чиқилган (World Customs Organization / WCO, University of Münster, Center Customs and Excise Training, University of Canberra, Zayed University, Leeds Metropolitan University); божхона иши соҳасида касбий билим ва кўникмаларини такомиллаштирмоқчи бўлган талабалар ва хусусий сектор учун глобал ресурс яратилган (International Network of Customs Universities / INCU); божхона иши маданияти ва ҳалоллик масалаларини такомиллаштириш (Oceania customs organization / OCO); бўлажак божхона хизмати ходимларининг касбий профессиограммасини ривожлантиришга йўналтирилган расмий ва норасмий дебатини амалга оширувчи халқаро платформа ишга туширилган (International Customs Students Association – ICSA), божхона хизматида кадрларни саралаб олишда коррупция кўринишларига мойиллиги даражасини аниқлаш технологияларининг муқобил вариантлари ишлаб чиқилган (Рига техника университети), бўлажак божхона хизмати ходимларида зарурий касбий компетентция компонентлари PICARD мезонларга мувофиқ ишлаб чиқилган (Россия божхона академияси, Озарбайжон давлат божхона Академияси); таълим-тарбия жараёнини оптималлаштириш ва мазмунини модуллаш асосида хориж ҳамда илғор тажрибаларга асосланган ўқув блоклари мувофиқлаштирилган таълим тизими жорий қилинган (Олий ҳарбий божхона институти).

Дунёда бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: таълимий ва касбий мобилликни уйғунлаштириш; божхона иши мутахассислиги таълим муассасаларида таълим интеграциясини халқаро стандартларга бир вақтнинг ўзида миллий аккредитацион мезонларга риоя қилган ҳолда мувофиқлаштириш; ягона божхона иши сиёсатини амалга оширувчи таълим моделлари, стандартлари ва маълумотларни унификациялаштириш механизмларини ишлаб чиқиш; ҳалоллик ва бошқарувга йўналтирилган, ахлоқ тамойилларига асосланган касбий таълим технологияларини такомиллаштириш, талабалар коррупцияга қарши курашиш позициясини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Комил инсонни тарбиялаш ғоялари, адолат ҳақидаги қарашлар жамиятнинг соғлом маънавий-ахлоқий руҳини сақлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилувчи тарихий манбалар Авесто, Култегин битиктоши, буюк аждодларимиз Абу Райҳон Беруний, Али ибн Сино, Абу Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Ҳомид Ғаззолий Абу Наср Фаробий, Амир Темур, Алишер Навоий, Жалолоддин Мангуберди, Хўжа Самандар Термизий, Имом Бухорий, Заҳириддин Ҳусайн Воиз Кошифий, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро ва бошқаларнинг ибратли ўғитлари, бой мероси бўлган таълимотларида акс этган.

Ўзбекистонлик файласуф, тарихчи, сиёсатшунос, ҳуқуқшунос олимлар , А.Азизхўжаев, Н.Жўраев, А.Маврулов, А.Мўминов, Қ.Назаров, А.Очилдиев, Г.Туленова, У.Убайдуллаев, А.Эркаев, М.Қаҳҳорова, А.Ғаниев; педагог ва психолог олимлардан Н.Артиков, М.Абдужабборова, Д.Кенжаева, Г.Махмутова, М.Маҳмудова, О.Мусурмонова, У.Маҳкамов, С.Нишонова, Д.Рўзиева, Ш.Райимов, Н.Сафаев, Б.Ходжаев, Ш.Шодмонова, М.Қуронон, Ш.Қурбонов, З.Қосимова ва бошқаларнинг тадқиқотларида ёшларни тарбиялашнинг назарий масалалари, уларни миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг назарий, фалсафий, педагогик, аксиологик масалалари, ментал хусусиятлари тадқиқ қилинган³.

Турли замон ва маконларда яшаган хорижлик файласуф, тарихчи, мафкуравий технологияларга асос солган ва геосиёсат бўйича мутахассислар Р.Абдуллатипов, Ю.Александров, З.Бжезинский, Г.Грачев, А.Зиновьев, С.Зелинский, И.Засурский, С.Кара-Мурза, А.Караяни, К.Каландаров, С.Расторгуев, Сун Цзы, Р.Харрис педагог ва психологлар В.Друзин, И.Колотилова, О.Петрич, А.Реан, Р.Чалдини ва бошқалар мафкуравий кураш, ёшларга хавф солаётган мафкуравий таҳдидлар, манипуляция жараёнлари, “оммавий маданият”нинг глобаллашуви, ғоявий курашнинг турли жабҳаларини тадқиқ қилдилар⁴.

Божхона ходимларини касбий ва ахлоқий тайёрлаш муаммолари бўйича Ўзбекистонда генерал-майор С.Алимбоев, Н.Аслонов, Х.Алимов, С.Гуляммов, О.Зайниддинов, Ш.Миркомиллов, Т.Раимов, Т.Рахмонов, Р.Турапов,

³ Азизхўжаев А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 112 б. /Ачилдиев А.С. Проблема взаимодействия национального самосознания и национальной культуры: Автореф...канд.филос.наук. – Т., 1994. – 22 с. / Қаҳҳорова М. Мафкуравий муҳит ва ахлоқ. – Тошкент: Фан, 2009. – 100 б./ Туленова Г.Ж. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли (Ижтимоий-фалсафий таҳлил): Фал. фан. док. ...дисс. – Т., 2006. – 317 б. / Қуронон М. Ўзбекистон умумтаълим ўрта мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари: Педагогика фанлари доктор. ... дис. – Тошкент: ЎПФТИ, 1998. – 316 б. / Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари доктор. ... дис. – Тошкент: ТДПУ, 1993. – 389 б. / Маҳкамов У. Юқори синф ўқувчиларида ахлоқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари доктор. ... дис. - Тошкент: ЎПФТИ, 1998. – 288 б. / Сафаев Н.С. Психологические особенности национального самосознания студенческой молодежи: Автореф. дис. ... док.псих.наук. – Т., 2006. – 38 с. / Қосимова З.Х. Талабаларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари номзоди. ... дис. – Тошкент: ЎПФТИ, 2003. – 154 б. / Махмутова Г.И. Олий педагогик таълим тизимида талабаларни маънавий шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик хусусиятлари.: Пед. ф. н. ... дисс. автореф. – Тошкент: ЎПФТИ, 2004. – 23 б. / Ходжаев Б. Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш: Пед. фан. док. ...дисс. – Т.: ТДПУ, 2016. – 314 б.

⁴ Александров Ю. К. Очерки криминальной субкультуры. — М.: Алгоритм, 1999. – 125 с. / Кара-Мурза С. Г. Манипуляция сознанием-2. – М.: Алгоритм, 2009. – 528 с. / Зиновьев А.А. Глобализация есть новая мировая война. – М.: Мысль, 2001. – 256 с./Зелинский С. А. Манипуляции массами и психоанализ: манипулирование массовыми психическими процессами посредством психоаналитических методик. – Санкт-Петербург: Скифия, 2008. – 235 с. /Харрис Р. Психология массовых коммуникаций. Санкт-Петербург: Мысль, 2002. – 198 с. / Засурский И.И. Масс-медиа второй республики. - М.: Мысль, 1999.–246б./ Расторгуев С.П. Информационная война. — М.: Радио и связь, 2000. – 321 с. / Реан А.А., Коломинский Я.Л. Социальная педагогическая психология. — Санкт-Петербург: Питер, 1999.–216 с./Петрич О.И. Воспитание гражданственности у подростков в современных детских общественных объединениях: Дис. ... канд. пед. наук. – Пятигорск: ПГПУ, 2011. – 182 с.

Ғ.Ҳамроқуловларнинг ишлари мустақиллик йилларида илк божхона органлари тизими ривожланишида ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган⁵.

Ҳамдўстлик мамлакатларида божхона тизимида кадрлар салоҳиятини ошириш, божхона ходимларини касбий тайёрлашнинг психологик, педагогик, ахлоқий масалалари, ижтимоий-компетентлигини шакллантириш, касбий саралашнинг психо-педагогик жиҳатлари бўйича Д.Агранат, Л.Алексеева, Е.Балашова, Н.Блинов, Э.Белецкий, Н.Бережная, М.Баландин, Р.Женжеруха, В.Крашенинников, Л.Качкина, А.Красильников, В.Ковалёв, Ю.Кубанин, В.Кухаренко, В.Лутовинов, Е.Махов, А.Максимов, Ю.Самолаев, А.Солопов, В.Тимофеев, С.Чернышов, М.Шейнислар томонидан тадқиқ қилинган⁶.

Божхона ходимининг касбий компетенциялари, божхона органларида коррупция кўринишларини олдини олишда идентификациялаш, ҳаллолик муаммолари бўйича Европа, АҚШ, Узоқ Шарқ мамлакатларидаги олимлар Венди Фальс, Габриэлла Барриетос, Джерард Маклинден, Люк де Вульф, Майкл Зарневецки, Октем Баҳри, Стеенланд Марсель, Хосе Сокол, Хорс Ирене, Ханс Ёхим Шраммлар ўз тадқиқотларини олиб борганлар⁷.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентининг: “Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур”¹ деган фикри мазкур муаммонинг илмий-амалий моҳиятини очиб беради. Ўзбекистон сарҳадларида хизмат қилаётган божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни ривожлантиришни бугунги глобаллашув жараёни талаблари даражасига кўтариш лозим.

Мазкур педагогик муаммонинг мавжудлиги, бўлажак божхона хизмати ходимларда мафкуравий иммунитетни ривожлантиришнинг педагогик асосларини ишлаб чиқиш зарурати тадқиқотимиз мавзусини белгилаб берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан

⁵ Алимбоев С.А. Ўзбекистонда божхона ишини ташкил этиш ва такомиллаштириш ғоялари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 175 б. / Зайниддинов О.З. Ўзбекистонда божхона тизими ва унинг ўзбек давлатчилигида тугган ўрни (1991-2001 йиллар): Тарих фан. ном. ... дисс. – Тошкент: ЎзМУ, 2002. – 175б. / Аслонов И. Божхона тизими фаолияти самарадорлигини оширишда кадрларнинг шахсий психологик тайёргарлиги омиллари: Психология фан. номзоди. ... дисс.Автореф. – Т., 2009. – 23 б.

⁶ Белецкий Э.И. Педагогические аспекты формирования социально-психологической компетентности работников таможенной службы : Дис. ... канд. пед. наук. – Москва: ВНИИ МВД РФ, 2001. - 211 с. /Женжеруха Р.И. Формирование социокультурной компетентности специалистов таможенных служб средствами социально-психологического тренинга: Дис. ... канд. пед. наук. – Москва: ФГАОУ ВПО РГСУ, 2011.-227 с./ Красильников А.Ю. Воспитание профессиональной ответственности личности (на примере сотрудников таможенных органов): Дис. ... канд. пед. наук. – Пятигорск: ПГЛУ, 2009. - 175 с.

⁷ Wendy FALLAS, Georginella BARBOZA, Gabriela BARRIETOS. PICARD standards vs. world-class customs requirements - Costa Rica: Customs Scientific Journal Vol. 4, No. 2 – 2014. P 87-96 / Zarnowiecki, Michel. 2003. “Managing Integrity in Customs.” Prepared for the International Anti-Corruption Conference. May 29–30, Seoul, Korea. / Lane, M.H. 1998. “Customs and Corruption.” Working Paper. Transparency International. Processed. / Oktem, M. Bahri. 2004. “Turkey.” In Luc De Wulf and Jose Sokol, eds. Customs Modernization Initiatives: Case Studies. Washington, D.C.: World Bank.

¹ Каримов И. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – Б. 119.

боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-2015-1-4. Миллий ғоянинг инновацион тарғибот технологиялари ва ёшларни ахборот-психологик хуружларидан химоя қилишнинг замонавий усуллари (2015-2016 йй.), А1-071 Мураккаб ва таҳликали замоннинг маънавий таҳдидларига қарши мафкуравий кураш воситалари комплексини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш (2015-2017 йй.), И-2016-133 Миллий тарбия ва ёшлар дунёқарашини шакллантириш (2016-2017) мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни ривожлантиришнинг мотивацион, когнитив, операционал ва рефлексив компонентлари асосида мазмун-моҳияти, педагогик-психологик хусусиятлари ва омилларини такомиллаштириш;

бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини белгилаш;

компетенциявий ёндашув асосида божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни ривожлантириш тенденцияларини асослаш;

бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни ривожлантириш жараёни моделини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш.

бўлажак божхона хизмати ходимларида коррупцияга қарши позицияни тарбиялаш асосида ижтимоий маданий лойиҳалари технологиясини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш;

божхона ходими профессиограммаси орқали бўлажак божхона хизмати ходимлари мафкуравий иммунитетни шаклланганлик даражасини аниқлашнинг касбий-саралаш босқичлари механизмларини такомиллаштириш;

бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетини ривожланганликни баҳолаш мезони ва кўрсаткичларини яратиш, тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва олинган натижаларнинг миқдор ва сифат таҳлили асосида методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетини ривожлантириш жараёни.

Тадқиқот предмети бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни ривожлантириш жараёнини ташкил этишнинг мазмуни, шакл, воситалари.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланилди: назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик методлар

(маълумотларга статистик ишлов бериш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак божхона хизмати ходимлари мафкуравий иммунитетини ривожлантиришнинг касбий-мафкуравий позиция мезони мотивацион, когнитив, операционал ва рефлексив компонентларни комплекслаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни ривожлантиришга оид касбий компетенциялар тизими интегратив боғланиш, икки ўлчамли моделлаштириш, ривожланиш динамикасини белгилаш асосида ишлаб чиқилган;

ижтимоий педагогик жараённинг мақсадга қаратилганлик, мазмунга оид, операционал, натижадорликни баҳолаш блоклари интеграцияси асосида бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни ривожлантириш модели ишлаб чиқилган;

бўлажак божхона хизмати ходимларида коррупцияга қарши позицияни тарбиялашга йўналтирилган мафкуравий иммунитетни ривожлантиришнинг ижтимоий маданий лойиҳалаш технологияси ишлаб чиқилган;

божхона ходими профессиограммасини такомиллаштириш бўйича бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни шаклланганлик даражасини аниқлашнинг касбий-саралаш босқичлари, мазмуни, шакл, методларини яхлит қамраб олган ҳолда электрон-модулли технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетини ривожлантиришнинг шарт-шароитлари, модели ва уни амалиётда жорий қилинишининг дидактик таъминоти ишлаб чиқилган;

“мафкуравий иммунитет”, “касбий компетенция”, “коррупцияга қарши позиция”, “профессиограмма”, “таълим ва амалиёт интеграцияси” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ҳамда мафкуравий иммунитет асоси(билим), муносабатини белгиловчи омили (ҳис-туйғу), асосли қарор (ирода) ҳамда намоён қилишнинг тўғри хатти-ҳаракатларини (малака) ўзида мужассам қила олиши педагогик талқин этилган;

бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни ривожлантиришнинг таянч, шахсий компетенциялари тизими ишлаб чиқилди ва методик таъминоти яратилди;

бўлажак божхона хизмати ходимларида коррупцияга қарши позицияни тарбиялаш асосида мафкуравий иммунитетини ривожлантиришни ижтимоий маданий лойиҳалаштиришнинг технологиялари ишлаб чиқилган;

божхона ходими профессиограммасини такомиллаштириш юзасидан бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни шаклланганлик даражасини аниқлашнинг касбий-саралаш босқичлари, мазмуни, шакл, методларини яхлит қамраб олган ҳолда электрон-модули яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республика ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; тажриба-синов ишларининг таҳлили ва тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти божхона хизматини юксак маънавиятли кадрлар билан таъминлаш сиёсатининг илмий-назарий, ҳуқуқий-меъёрий масалалари, педагогик-психологик хусусиятлари, таъсир қилувчи омиллар ва шарт-шароитлари асослаб берилганлиги; бўлажак божхона хизмати ходимлари мафкуравий иммунитетини ривожлантиришдаги ўқув ва маънавий-маърифий ишлар жараёнини лойиҳалаш зарурлиги, касбий компетенциянинг таянч ва шахсий компонентлари аниқланганлиги, коррупция кўринишларини қиёсий таҳлил қилинганлиги; коррупцияга қарши позицияси мафкуравий иммунитетнинг сегменти сифатида очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Ишнинг амалий аҳамияти шу билан аниқланадики, олий ҳарбий таълим муассасаларида дарслик, ўқув қўлланма, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган модель, таянч, шахсий компетенциялари тизими, коррупцияга қарши позицияни тарбиялашнинг ижтимоий маданий лойиҳалаштириш технологиялари ва яратилган касбий-саралаш босқичлари, мазмуни, шакл, методларини яхлит камраб олган ҳолда электрон-модулидан, шунингдек, ҳарбий соҳалардаги мутахассисларни тайёрлашда ҳам фойдаланилиши мумкинлиги белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлари асосида:

божхона хизмати ходими профессиограммасини такомиллаштириш юзасидан берган таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 12 мартдаги 58-сонли “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 5 мартда 2659-сон билан рўйхатдан ўтган қарор ижроси тўғрисида”ги буйруқ билан тасдиқланган Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 12 ноябрдаги 03-05/6-6621-сон маълумотномаси). Бу эса тизимга ёш номзодларни танлаш, ходимларда мафкуравий иммунитетга оид билим, кўникмалар ҳамда бурч, ирода, маъсулият каби фазилатларини шакллантириш, ходимлар томонидан содир этилиши эҳтимоли бўлган ҳуқуқбузарликлар, коррупция кўринишларининг олди олинишига имконият яратган;

бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетини ривожлантиришнинг модели ва технологиялари бўйича амалий тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 28 мартдаги 66-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Давлат божхона хизмати

органи ходимининг одоб-ахлоқ қоидалари”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 12 ноябрдаги 03-05/6-6619-сон маълумотномаси). Ушбу қоидаларнинг жорий қилиниши натижасида божхона органларида мафкуравий иммунитетни ривожлантириш, тарбиявий-профилактик ишларни кучайтириш, шахсий таркибнинг хулқ-атворини ижобийлашувига хизмат қилган.

бўлажак божхона ходимларида мафкуравий иммунитетни ривожлантиришга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш бўйича тавсияларидан Давлат божхона қўмитаси Ҳайъатининг 2013 йил 25 декабрдаги 4/3-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларини ривожлантириш концепцияси”нинг 6-8-устувор йўналишлари ижросини юзасидан ижтимоий-гуманитар фанлар мазмунига, “Божхона органлари касбий фаолияти психологияси” ва ДБК ҳудудий божхона бошқармалари ва уларга тегишли постлар ходимлари учун “Божхона ходимининг муомала маданияти” ўқув дастурлари ишлаб чиқилган. (Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 12 ноябрдаги 03-05/6-6619-сон маълумотномаси). Бу эса бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни ривожлантиришнинг узлуксизлиги ҳамда таълим ва амалиёт интеграциясини таъминлаш, маънавий-маърифий тадбирларнинг қўшимча имкониятларидан фойдаланилишига имкон яратган;

бўлажак божхона хизмати ходимларида коррупцияга қарши мотивация ва мафкуравий иммунитетини ривожлантиришга оид таклифларидан Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 27 январдаги “2016-2017 йилларда коррупцияга қарши тадбирларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгаши, Президент Девони, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган амалий чораларнинг комплекс режасини ижроси тўғрисида”ги чора-тадбирлар режалари ижросини таъминлашда “Коррупция: сабаблари, кўринишлари, қарши таъсир чоралари” ўқув дастури, “Божхона ходимининг касбий маданияти”, “Коррупция кўринишларини вужудга келишининг ижтимоий-психологик сабаблари ва уларни божхона ходимларига таъсири” мавзулари доирасидаги анкета сўровномалари ва профилактик методик чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, институт тингловчилари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳудудларидаги божхона органларининг мансабдор шахслари ўртасида олиб боришга муваффақ бўлинган. (Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 12 ноябрдаги 03-05/6-6620-сон маълумотномаси). Бу эса бўлажак божхона хизмати ходимларида коррупция кўринишлари ва уларга қарши позицияда муносабатда бўлишнинг ижтимоий, ҳуқуқий, сиёсий, махсус соҳалардаги илмий-амалий жиҳатларидан миллий ҳамда халқаро қиёсий тажрибалар орқали билим ва кўникмаларни назария+амалиёт тамойили асосида эгаллашларига эришилган;

олий ҳарбий таълим муассасалари тингловчиларида мафкуравий иммунитетни ривожлантириш бўйича берган таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 майдаги “Мамлакатимизда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар

самарадорлигини ошириш ва 2015 йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида”ги 50-сонли мажлис баёни, Республика Маънавият тарғибот маркази ва Давлат божхона қўмитаси билан 2016 йилда имзоланган ҳамкорликдаги дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика Маънавият тарғибот марказининг 2017 йил 4 январдаги 01/06-4-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар асосида олий ҳарбий таълим муассасалари тингловчилари мамлакатда бўлаётган ислохотларга дахлдорлик туйғуси, ижтимоий фаоллигини ошириш ва тарғибот-ташқиқот ишларни мустақил олиб бориш ҳамда ҳамкорликда ижтимоий маданий лойиҳаларни ишлаб чиқишларига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 19 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 47 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан 12 та республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 237 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий тадқиқотнинг мавзуси ва унинг долзарблиги асосланган бўлиб, тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, илмий ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган. Шу билан биргаликда диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, эришилган натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, илмий нашрларда эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистонда божхона хизмати кадрлар сиёсати шаклланишининг тарихий, сиёсий ва ҳуқуқий-меъёрий асослари, бўлажак божхона хизмати ходимларини касбий тайёрлаш жараёнининг ташкилий-педагогик хусусиятлари, бўлажак божхона хизмати ходимларини тайёрлашда мафкуравий тарбиянинг долзарб масалалари ёритилган.

Божхона ишининг илк кўринишлари эрамиздан аввалги III-II минг йилликлардан бошлаб шакллана бошлаган. Эрамиздан аввалги минг йилликлардаёқ иқтисодий алоқалар, шу жумладан, савдо-сотик алоқаларининг ривожланиб бориши натижасида бож-хирож олиш анъаналари вужудга келиб,

аста-секин давлатнинг муҳим муассасаларидан бири сифатида божхона хизмати юзага келган⁸. Қадимги туркий битиктошларда ҳам “тамға” сўзи ва “тамғачи”⁹ сўзлари учрайди.

1370 йилда тахтга чиқиб, мустақил давлатчиликни тиклаган Амир Темур мамлакатни обод қилиб, унинг ҳар томонлама ривожланиши учун жуда катта кураш ва муҳим тadbирларни амалга оширди. Соҳибқирон Амир Темур ўз қўшинида хизмат қилаётган ҳар бир аскардан Ватанга садоқат талабини юқори қўйган. Чунончи, “Қайси бир аскар туз ҳаққи ва вафодорликни унутиб, хизмат вақтида ўз эгасидан юз ўгириб, менинг олдимга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим. Ўзимча, “Булар ўз соҳибига вафо қилмагач, менга қилармиди?” деб ўйладим”¹⁰ дея билдирган фикри барча замонлар учун тарихий сабоқ вазифасини ўтайди.

Глобаллашув даврида мафкуравий жараёнларнинг бузғунчи таъсири инсониятни ташвишга солмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг куйидаги фикрлари, яъни: Бугун қанча ёшлар сохта алдовларга учиб, ўз умрини хазон қилаётганини ўйлаб, тўғриси, тунлари ухламасдан чиқаман. Ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, бу аччиқ ҳақиқат юрагимизга ханжар бўлиб санчилиши керак эмасми? Ахир, кечагина шу ёшлар, ўзимизнинг қорақўзлар, биримизнинг маҳалладошимиз, биримизнинг ўғлимиз, биримизнинг қизимиз ёки жиянимиз эди-ку! Улар қачон адашди, қачон нотўғри йўлга кириб кетди? Биз нега ғафлатда қолдик? Қачон, қаерда хатога йўл қўйдик? Фарзандларимиз қачон бегоналарнинг қўлига ўтиб кетди? Нима жин урдию улар ўз ота-онаси, ўз юртининг душманига айланиб қолди? Бугун бу мудҳиш бало-қазонинг олдини олмасак, бор кучимизни шунга сафарбар этмасак, эртага кеч бўлади”¹¹ дея таъкидлаганлари ҳар бир касб эгасига долзарб вазифа бўлиши зарур.

Ана шу долзарб вазифадан келиб чиқиб, тадқиқотимиз доирасида мафкуравий иммунитетни ривожлантиришнинг мақсади сифатида бўлажак божхона хизмати ходимларида муҳим маънавий-ахлоқий ва ижтимоий қадрият сифатида фуқаролик, ватанпарварликни ривожлантириш, жамият ҳаётининг турли соҳаларида, айниқса, ҳарбий ва давлатнинг бошқа кўриниши хизмати жараёнида, тинчлик ва ҳарбий давр шароитларида конституцион ва ҳарбий бурчига садоқатида, юксак маъсулият ва интизомлилиги фаол равишда намоён бўладиган касбий-мафкуравий аҳамиятга эга фазилатлари, кўникмалари ва тайёргарлигини шакллантиришнинг педагогик асосларини белгилаб олдик.

Миллий ғоя тарғиботи бўлажак божхона хизмати ходимларида янги билим, туйғу, орзу-истакларни ҳосил қилиш, тўғри асосланган фикр,

⁸Зияева Д., Бобоёров Ғ. ва бошқ. Божхона иши тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 220 б. 28-бет.

⁹Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. Тошкент: Ўқитувчи, 1982. 112-бет.

¹⁰Темур тузуклари / Таҳрир ҳайъати: Б.Абдухалимов ва бошқ. Форсча матндан А.Соғуний, Ҳ.Кароматов тарж. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 184 б. Б. 78-79.

¹¹ Мирзиёев Ш. Ватанамиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. (Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи) – Халқ сўзи. 2017 йил 16 июнь № 119(6813) Б.2.

эътиқодни мустаҳкамлаш, нотўғри шаклланган стереотип, қараш, янглиш хулосаларни ўзгартиришни ҳам кўзда тутати. Шундай экан, масалага илмий-амалий ёндашув шахс руҳияти структурасини билиш, тарғибот метод, шакл, технология ва воситаларини ижтимоий психология ва педагогика, социологиянинг замонавий ютуқларига асосланган ҳолда танлаш ва амалга ошириш талаб этилади. Чунки, бу соҳада нуқул улўғ алломаларимиз, боболаримиз эришган ютуқларни мадҳ этиш; ютуқларимизни қуруқ қайд этиш оқибатида тарғиботнинг эртанги кунга эмас, кечаги кунга хизмат қилаётгани; замонавий усуллардан фойдалана билмаслик; янгиликларни кечикиб етказиш; мафкуравий таҳдидларни олдиндан кўра билмаслик, превентив чоралар қўлланилмаётганлиги; асосий фикрлар тахминий гаплар, импровизация қилиш, “ижодий” ёндашишлар соясида қолиб кетаётганлиги; илмий-назарий асосга эмас, интуицияга таяниш” каби камчиликларга йўл қўйилмоқда. Шунга кўра, М.Қуроноў ўзининг “Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси” рисоласида “Айни пайтда баъзи ёшларимиз турли ёт ғояларни холис ахборот манбаи сифатида қабул қилаётганини эътибордан қочирмаслик керак. Шундай экан, ёшларимиз ёт мафкураларнинг "меҳрибонлиги", "холислиги”, “дўстоналиги” ортида нима ётганини чуқур англаб олиши лозим. Яъни, уларнинг замирида мунтазам ўзгариб боровчи жонсарак ақидапарастлик тарғиботи турганини тушуниб бориши керак”¹² дея масалани ҳал қилинишини кечиктириб бўлмаслигини таъкидлайди.

Мафкуравий иммунитетни ривожлантиришда бўлажак божхона хизмати ходимларининг Ўзбекистоннинг нафақат амалдаги ҳақиқий ютуқларига балки қийинчиликларига ҳам баҳо бера олиш қобилиятларини бир вақтнинг ўзида шаклантириш зарурдир.

Бўлажак божхона хизмати ходимлари мафкуравий иммунитетни бу 17-30 ёшли йигит ёки қизнинг ғоявий билим, кўникма ва малакаларига асосланувчи, муайян мафкуравий вазиятларда унинг ёт таъсирларга қарши туришида намоён бўлувчи касбий-мафкуравий позициясидир, деб таърифлаш мумкин.

Бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг чуқур мафкуравий билимлар билан қуроллантиришга қаратилган маданий, маърифий тадбирлар ўтказиш, муносабат, дахлдорликни шаклантиришга қаратилган тадбирлар, назарий машғулотлар ўтказиш, иродани чиниқтиришга қаратилган педагогик интерфаол ўйинлар ўтказиш; малакаларни шаклантириш бўйича мафкуравий имитацион вазиятлар яратиш, кўникмаларни ривожлантириш каби вазифалари аниқлаб олинди.

Диссертациянинг **“Бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари”** деб номланган иккинчи бобида олий ҳарбий таълим мазмунида бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни ривожлантиришнинг имкониятлари, компетенциявий ёндашув асосида бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни

¹² Қуроноў М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. – Тошкент: Академия, 2008. – 326. Б. 11-12.

ривожлантиришнинг тенденциялари ҳамда модели ишлаб чиқилиш жараёни илмий тадқиқ қилинди.

Божхона хизмати давлат ва жамиятга оид аҳамияти, касбий функциялари, психофизиологик ва интеллектуал юкламаларга кўра, мураккаб ва масъулиятли меҳнат турини ўзида касб этиши шахснинг касбий ва ахлоқий жиҳатларига тегишли касбий, коммуникатив, деонтологик, конфликтологик, шахсий компетентлилик мавжудлигини тақозо қилади. Бунда боғхона ходимининг атрофдаги ижтимоий ва табиий муҳитга, касбий фаолиятга ва ўз хатти-ҳаракатларига нисбатан муносабат сифатида касбий-ахлоқий позицияси ва ахлоқий фазилатларида намоён бўлади ва бу эса хизмат вазифаларини виждонан ижро этилишини таъминлайди. Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва хорижий тажрибада^{13, 14, 15} боғхоначилар ахлоқий нормаларига қўйилган талабларни ўрганиб чиқилиши боғхона хизмати ходими амал қилиши зарур бўлган шахсий мажбуриятлар, қонунийлик, объективлик, махфийлик, масъулиятлилик каби ахлоқий тамойилларни аниқлашимизга имкон берди.

Эксперимент ишлари пайтида бўлажак боғхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни ривожлантириш самарадорлигини таъминловчи педагогик шарт-шароитлар - тингловчиларни боғхона хизмати ходимлари ижтимоий-касбий бирлигига киритиш, касбий фаолият моҳиятини информацион таъминлаш, амалиёт даврида боғхона пости негизида касбий-ахлоқий муҳитни лойиҳалаштириш ва педагогик мониторингини амалга оширишдан иборат.

Тингловчиларни боғхона хизмати ходимлари ижтимоий-касбий бирлигига киритишнинг *биринчи педагогик шарт-шароитлардан* бири сифатида ғоявий саводхонликни ошириш мақсадида боғхона органлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан учрашувлар; экспертлар ва мутахассислар билан мастер-класслар ташкил этиш орқали амалга оширилади. *Иккинчи педагогик шарт-шароит* – касбий фаолият моҳиятини информацион таъминлашда кадриятли-йўналтирилган ахборот таъминоти “Мен-касб” позициясида шахснинг ўзлигини англаш жараёнида педагогик ёрдамни ҳам тақозо қилади. Мазмуний жиҳатдан касбий фаолият моҳиятининг ахборот таъминоти аксиологик ва праксеологик компонентларни ўз ичига олади. Бўлажак боғхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни ривожлантиришнинг *учинчи шарт-шароити* амалиёт даврини боғхона пости касбий-ахлоқий муҳитини лойиҳалаштиришда касбий-мафкуравий муҳит (хизмат муомала маданияти, анъаналар, талаблар, идора усули, кийим дресс-коди, орден, медаль ва бошқа фарқли белгиларни тақиб юриш қоидалари, муомала-мулоқотларнинг ўзига хослиги боғхоначи ва фуқаронинг (назоратдаги шахслар) ўзаро муносабатидаги ўзига хосликлар) меҳнатнинг

¹³ Арушская декларация от 07.06.2003 (101-е/102-е заседание Совета). – Аруше, Танзания, 2003.


¹⁴ Таможенный кодекс Российской Федерации. – М., 2010. – 205 с.

¹⁵ Таможенный кодекс Таможенного союза (ред. от 08.05.2015) – (приложение к Договору о Таможенном кодексе Таможенного союза, принятому Решением Межгосударственного Совета ЕврАзЭС на уровне глав государств от 27.11.2009 № 17).

кўргазмали ва ижтимоий шарт-шароитлари мажмуининг ўзаро таъсирида пайдо бўлади. *Тўртинчи педагогик шарт-шароит* – ўз-ўзини адекват ахлоқий баҳолаш мақсадида бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни ривожланганлигининг педагогик мониторинги мафкуравий иммунитетни ривожланганликнинг мотивацион, когнитив, операционал, рефлексив компонентларини ўзида намоён этувчи касбий-мафкуравий позициянинг мажмуавий мезонида намоён бўлиши билан аниқланди. Ҳар бир компонентлар муайян кўрсаткичларда ифодаланди.


Компетенциявий ёндошувини қўллаш божхона хизмати ходими мафкуравий иммунитетни ривожлантириш тенденциялари доирасидаги касбий-мафкуравий билимларни шакллантиришни назарда тутди.

Божхона органлари компетенцияси – давлатнинг божхона органларига бир-биридан ажралмаган ҳолда масъулият билан топширилган ҳокимият ваколати, функциялари ва масалалари тизимидир. Божхона органлари ваколати бошқариладиган объекти ва шахс, жамият ва давлат олдидаги мажбуриятларига нисбатан муносабат бўйича уларнинг ҳуқуқлари мажмуаси таълим-тарбия ва божхона хизмати касбий фаолиятининг реал ва моделлаштирилган (амалиёт даври) жараёни интеграллаштируви ҳамда лойиҳалаштириш технологияси ишлаб чиқишини тақозо қилади. Бунда касбий фаолият ва мутахассис ўртасидаги корреляция аниқланса, уларнинг зарурлик даражасини аниқлаш имконияти пайдо бўлади.



1-расм. Божхона хизмати ходимларининг зарурий касбий компетенцияларини эксперт баҳолаш натижалари ранжири

